

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «26» 5

2022-502-7-95-ХТ-
сон

Иштихон шаҳри

Кейинги ўринларда “Пудратчи” "BEKZOD ARXITEKTOR" МЧЖ номидан низом асосида ҳаракат қилувчи Кубаев Ғайрат Холмирзаевич бир томондан ва Иштихон туман халқ таълими бўлими кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади номидан низом асосида ҳаракат қилувчи Содиқ Қодиров иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Пудратчи ўз таваккалчилигига асосланган ва ўзининг ҳамда Буюртмачининг материалларидан фойдаланган ҳолда Буюртмачининг топшириғига асосан қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади, яни Иштихон туман Халқ таълими бўлимига қарашли 70-мактаб филиалли биносини таъмирлар ишларини бажариш, Буюртмачи эса ушбу бажарилган ишларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. Шартнома баҳоси 49 169 193 (Қирқ тўққиз миллион бир юз олтмиш тўққиз минг бир юз тўқсон уч) сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома баҳоси ўз ичига қуйидагиларни олади: тўлик таъмирлаш

2.3. Шартноманинг 2.1- бандида кўрсатилган баҳо дастлабки бўлиб, сунгги баҳо Пудратчи таксим этган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Шартнома баҳоси инфляция натижасида тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Шартнома баҳосининг ошиши билан боғлиқ харажатлар Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 3- бандида белгиланган тартибда копланеди.

3. ТўЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов қуйидаги тартибда амалга оширилади:

30% аванс. 70% тугаллангандан сўнг

(бир вацтнингўзида, аванс тўлови билан бўлиб-бўлиб тўлаш ва ҳ.к)

3.2. Тўлов шакли: пўл кўчириш

(тўлов талабномаси, топшириқномаси, чек ва ҳ.к)

3.3. Шартнома бўйича сўнгги ҳисоб-китоб ишлар бажарилгандан сўнг, қабул қилиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳисобга олинган ҳолда. 10 кундан кечиктирмай Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАР

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни ишларнинг календар режасида белгиланган муддатларда бажаради (1 -илова).

4.2. Буюртмачи қуйидаги муддатларда Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлайди: 30

4.3. Шартноманинг амал қилиш муддати:

Бошланиши - 2022 йил -май

Тугаши - 2022 йил 31 декабр

5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатларда барча ишларни бажариш ва Буюртмачига лойиҳа ҳужжатларига мос келадиган ҳолатда ишларни топшириш;

лойиҳага мувофиқ зарурий материалларни, қурилмалар, бутловчи ашёларни қурилиш майдончасига етказиб келиш ва уларни қабул қилишни, тушириб олишни, омборга жойлашни ҳамда қурилиш давомида уларни сақлашни амалга ошириш;

ўз кучи ва воситалари билан материаллар, қурилмалар, ашёларни жойлаштириш ва ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган барча муваққат биноларни қуриш;

ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинаётган ихтисослаштирилган ташкилотлар билан ёрдамчи пудрат шартномалари тузилганлиги ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш ва ёрдамчи пудратчилар томонидан ишларнинг бажарилишини назорат қилиш;

қурилиш майдончасида техника ва ёнғин хавфсизлиги ҳамда қурилиш майдончасининг қўриқланиши бўйича зарурий тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

қурилиш объектларининг суғурта қилинишини таъминлаш; .

қурилиши тугалланган объектларни қабул қилиш

далолатномаси имзолангандан кейин 5 кунлик муддатда

қурилиш майдончасидан ўзига тегишли мол-мулкни олиб кетиш.

5.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатда Пудратчига қурилиш майдончасини топшириш;

шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартноманинг 1.1- бандида назарда тутилган ишларни бажарганлик учун Пудратчига ҳақ тўлаш;

Пудратчининг ёзма хабарномасини олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиб олиш.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ*

6.1. Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бузган тақдирда, айбдор тараф иккинчи тарафга ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома баҳосининг фоизи миқдорида неустойка тўлайди.

6.2. Мазкур шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга зарарни ва бой берилган фойдани қоплайди.

6.3. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар тугаллангандан сўнг ўзига тегишли материалларни қурилиш майдончасидан олиб кетмаса, Буюртмачи қурилиш майдончаси бўшатиб берилган санага қадар Пудратчига бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашни тўхтатиб туришга ҳақли.

6.4. Неустойкани тўлаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни

бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

7.2. Тегишли савдо палатаси ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома энгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарлиҳужжатдир.

7.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф энгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.

7.4. Агар энгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 1 ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низоларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тарафлар учун қатъий ва мажбурий ҳисобланадй.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

9.1. Томонлар:

-Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларни бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характерига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекламай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти- ҳаракатлари/ҳаракатсизлиларини содир этмайдилар.

-Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

9.2. Томонда ушбу Шартноманинг 9.1.-бандаги талабларни бузиш содир этганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари

бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса-
амалдаги қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам
хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

10. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ:

ПУДРАТЧИ
"BEKZOD ARXITEKTOR" МЧЖ
Манзил Иштихон т Қорақишлоқ МФЙ
Тел рақам 97-907-44-22
Ҳисоб-китоб рақами
20208000605332794001
Банк номи; АТ Агро банк Иштихон ф
СТИР: 308121524

Буюртмачи;
Иштихон тумани ХТБ
Манзил Иштихон кўча 17-уй
Тел рақам 66 629-20-13
Ҳисоб-китоб рақами
10002286018212709200075096
СТИР 200743652

Иштихон т. Буйича Газначилик Бўлимаси
МФО 00309

Газна Х/Р
23403000300100001010

Банк номи; Марказий б. Тошкент ш ХККМ
МФО; 00014 СТИР 201122919



Раҳбар *Г.Кубаев*



Раҳбар в.в.б *С.Қодиров*



ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ХУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

1. Лойиҳанинг тури

Шартнома

2. Лойиҳанинг номи

Пудрат шартномаси

Иштихон туман Халқ таълими бўлими ва “Бекзод Архитектор” МЧЖ ўртасида тузилган пудрат шартномаси (жами шартнома суммаси **49 169 193 сўм**). Ушбу шартнома Ўз.Р. “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 апрелдаги 684-Қонуни ва Ўз.Р.Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги 3953-сон Қарорига асосан тузилган.

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот

Иштихон туман Халқ таълими бўлими 26.05.2022

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

2022 йил «26» май

Марказ бошлиғи:



Ш.М.Юлдашев



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"BEKZOD ARXITEKTOR" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"BEKZOD ARXITEKTOR" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

26.01.2021

941613

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

308121524

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

**Samarqand viloyati, Ishtixon tumani, Qoraqishloq MFY Qoraqishloq
qishlog'i,**

Guvohnoma:

**Samarqand viloyati, Ishtixon tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan**

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

